Инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонунчилик билан таъминланиб, унда ҳуқуқий барқарорлик, инвестицияларни ҳимоя қилиш ва инвестиция муносабатлари субектларининг тенглиги принсиплари мустаҳкамланган. Низоларни ҳал етишнинг халқаро механизмларини, шу жумладан арбитраж тартиб-таомилларини қўллаш имконияти муҳим аҳамиятга ега бўлиб, ҳуқуқий режимнинг прогноз қилинувчанлиги ва лойиҳаларнинг инвестициявий жозибадорлигини оширади.

Давлат ва инвестор манфаатлари мувозанатини шакллантирувчи омилларни тизимлаштириш

Давлат ер қаъри ресурсларининг эгаси сифатида улардан фойдаланишдан келадиган даромадни имкон қадар кўпайтиришга, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини кафолатлашга ҳамда стратегик аҳамиятга эга ресурслар устидан назоратни сақлаб қолишга интилади. **Инвестор** эса ўз маблағларининг қайтарилишини, етарли фойда олишни ва лойиҳани амалга ошириш давомида ҳуқуқий тартибнинг барқарорлигини таъминлашга эътибор қаратади. Мана шу сабабдан томонлар манфаатларининг мувозанати улар ўртасидаги ҳамкорлик шартларини белгилаб берувчи битимнинг иқтисодий ва институционал кўрсаткичлари мажмуи орқали шаклланади.

МТБ доирасида даромадларни тақсимлашга таъсир қилувчи асосий омиллардан бири углеводородларнинг жаҳон нархлари даражасидир. Хомашё бозорларидаги

ўзгарувчанлик лойиҳалар самарадорлиги ва фойдани тақсимлаш тузилмасига бевосита таъсир кўрсатади. Нефт ва газ нархлари юқори бўлганда фойдага қолган маҳсулот ҳажми ошиши ҳисобига давлат даромадларининг улуши кўпаяди, паст нархлар шароитида еса инвестор даромадлиликнинг пасайиши ва инвестицияларнинг қопланиш муддати узайиши хатарига дуч келади. Шундай қилиб, нарх омили томонлар манфаатларини динамик мувозанатлашнинг енг муҳим елементи ҳисобланади.

Давлат ва инвестор манфаатлари мувозанатининг барқарорлигига, асосан, хомашё бозорларидаги нархлар ҳамда лойиҳаларни амалга оширишнинг фискал шартлари таъсир кўрсатади. Институционал муҳит еса инвестициявий хатарларни камайтириш ва манфаатлар мувозанатини сақлашга хизмат қилади.

МТБлар доирасида жаҳон нефт нархларининг даромадлар тақсимотига таъсирини миқдорий баҳолаш учун давлат улушининг углеводородлар нархи даражасига функционал боғлиқлигидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Соддалаштирилган кўринишда мазкур боғлиқлик қуйидагича ифодаланиши мумкин (1-формулага қаранг):

$$S_{(gov)} = \max\{S_{min}; \min[S_{max}; S_{min} + k_p * (P - P_0)]\} \quad (1)$$

бунда:

$S_{(gov)}$ – фойдага қолган маҳсулотдаги (Profit Oil) давлат улуши;

S_{min} – давлатнинг минимал кафолатланган улуши;

S_{max} –давлатнинг максимал улуши;

P – углеводородларнинг жорий жаҳон нархи;

P_0 – углеводородларнинг базавий (чегаравий) нархи;

k_p – давлат улушининг нарх ўзгаришига сезгирлик коэффициенти бўлиб, унинг қиймати лойиҳа шартларига мувофиқ белгиланади.

Мазкур модел давлат улушининг белгиланган минимал ва максимал чегаралар доирасида ўзгаришини назарда тутади. Нархлар базавий даражадан ошганда давлат улуши кўпайиши мумкин, нархлар пасайганда еса минимал кафолатланган даражада сақланади. Ушбу боғлиқлик давлатнинг фискал манфаатларини таъминлаш ва даромадларни бозор шароитларига мос равишда тақсимлашнинг соддалаштирилган ёндашувини ифодалайди.

Таъкидлаш жоизки, келтирилган боғлиқлик соддалаштирилган хусусиятга ега бўлиб, МТБнинг реал амалиётида нафақат нархлар даражасини, балки лойиҳа даромадлилиги кўрсаткичларини ҳам ҳисобга олувчи прогрессив солиққа тортиш механизмлари ва фойдани тақсимлаш шкалалари билан тўлдирилади.

МТБ параметрларига инвесторнинг капитал ва операцион харажатлари сезиларли таъсир кўрсатади. Капитал харажатлар (CAPEX) геология-қидирув ишлари, қудуқларни бурғилаш ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш харажатларини ўз ичига олса, операцион харажатлар (OPEX) қазиб олиш, ташиш ва техник хизмат кўрсатиш жараёнлари билан боғлиқ. МТБ механизмига мувофиқ инвестор қилган харажатларини қазиб олинган маҳсулотнинг бир қисми ҳисобидан қоплаш (Cost Recovery) ҳуқуқига ега ва шундан кейингина фойдага қолган маҳсулот томонлар ўртасида тақсимланади. Мазкур механизм лойиҳанинг дастлабки босқичларида инвестор манфаатларини ҳимоя қилади, айни пайтда давлатнинг даромад олиш муддатини кечиктиради.

Солиқ юкламаси ва лойиҳанинг умумий фискал режими ҳам муҳим омил ҳисобланади. МТБ доирасида фойда солиғи, роялти, експорт божлари ва махсус солиқ шартларини ўз ичига олувчи турли воситалар қўлланиши мумкин. Фискал юклама даражаси лойиҳанинг инвестициявий жозибадорлигига бевосита таъсир қилади: ҳаддан ташқари юқори солиққа тортиш самарадорлик кўрсаткичларини пасайтиради, ортиқча имтиёзлар еса давлатнинг ресурс рентасидаги адолатли улушини тўлиқ ололмаслигига олиб келиши мумкин.

Томонлар манфаатларини мувозанатлашнинг асосий воситаси фойдага қолган маҳсулотни (Profit Oil) тақсимлаш механизмидир. МТБ моделларининг аксариятида

маҳсулот компенсация ва фойда қисмларига ажратилади, шунингдек лойиҳа даромадлилиги ошгани сари давлат улуши кўпаядиган прогрессив тақсимлаш шкалалари қўлланилади. Бундай ёндашув иқтисодий шароитларнинг ўзгаришини ҳисобга олиш ва битим иштирокчилари ўртасида даромадларни янада адолатли тақсимлаш имконини беради.

Манфаатлар мувозанатининг барқарорлигига институционал ва ҳуқуқий муҳит ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикасида МТБни тартибга солиш битим шартлари барқарорлиги ва инвесторларни ҳимоя қилиш кафолатлари қонунчилик билан асосланади. Шу билан бирга, мазкур нормаларнинг самарадорлиги давлат бошқарувининг шаффофлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг сифати ва суд тизимининг ишончлилик даражаси билан белгиланади. Ривожланган институционал муҳит инвестициявий хатарларни камайтириш ва хорижий инвесторлар ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

МТБларда давлат ва инвестор манфаатларини мувофиқлаштиришнинг ижтимоий-молиявий асослари

МТБда давлат ва инвестор ўртасидаги муносабатлар инвестиция, солиқ ва маҳсулот тақсимоти билан чекланмайди. Нефть-газ лойиҳаларининг узоқ муддатли хусусияти меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, маҳаллий кадрларни тайёрлаш, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва инсон капиталига инвестициялар билан ҳам боғлиқ.

Мазкур муносабатларда давлатнинг манфаати, аввало, мамлакат фуқароларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, маҳаллий бандликни ошириш, пенсия тизимига тегишли тушумларни шакллантириш ва маҳаллий инсон капиталини ривожлантиришда намоён бўлади.

Инвестор учун эса харажатларнинг аниқ ва прогноз қилинадиган бўлиши, малакали маҳаллий кадрлар базасининг шаклланиши, ходимларнинг барқарорлиги ва инсон капиталига сарфланган маблағларнинг ҳимоя қилиниши муҳимдир.

Шу нуқтаи назардан МТБларда давлат ва инвестор манфаатларини мувофиқлаштиришни қуйидаги учта ўзаро боғлиқ йўналиш асосида кўриб чиқиш мумкин:

ходимларнинг ижтимоий ҳимояси ва ижтимоий солиқ;

ходимларни тиббий ҳимоя қилиш ва тегишли харажатларни компенсация қилиш;

маҳаллий кадрларни тайёрлаш ва инсон капиталига инвестицияларни ҳимоя қилиш.

Ушбу механизмларнинг умумий хусусияти шундаки, улар ижтимоий натижа билан бир қаторда МТБнинг молиявий механизмига ҳам таъсир кўрсатади.

Агар ижтимоий харажат компенсация қилинадиган харажатлар таркибига киритилса, унинг молиявий таъсири компенсация маҳсулоти орқали давлат ва инвестор ўртасидаги маҳсулот тақсимотига таъсир қилиши мумкин.

Шу сабабли ижтимоий-молиявий механизмларнинг мақсади ижтимоий харажатларни максимал даражада ошириш эмас, балки ижтимоий жиҳатдан зарур, иқтисодий жиҳатдан асосланган ва шартномавий жиҳатдан аниқ белгиланган харажатларни қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиши лозим.

МТБларда ижтимоий солиқни қўллаш орқали давлат ва инвестор манфаатларини мувофиқлаштириш

Ижтимоий солиқнинг ижтимоий-молиявий аҳамияти

МТБ доирасида фаолият юритаётган Ўзбекистон фуқаролари меҳнат муносабатларида бошқа тармоқларда ишлаётган фуқаролар каби ижтимоий ҳимоя ва пенсия таъминоти билан боғлиқ ҳуқуқларга эга бўлиши лозим.

Нефть-газ лойиҳаларида меҳнат қилаётган маҳаллий кадрлар учун меҳнатга ҳақ тўлаш билан бир қаторда ижтимоий тизимга тегишли тўловларнинг амалга оширилиши уларнинг узоқ муддатли ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш нуқтаи назаридан муҳимдир.

Шу маънода ижтимоий солиқни фақат солиқ мажбурияти сифатида эмас, балки МТБнинг ижтимоий-молиявий механизмининг элементи сифатида ҳам кўриб чиқиш

мумкин.

Бундай ёндашув МТБ лойиҳасида ишловчи Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий ҳимояси билан давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини молиялаштириш вазифасини ўзаро боғлайди.

Бироқ мазкур механизм инвестор учун ҳам аниқ ва прогноз қилинадиган бўлиши лозим. Шу сабабли ижтимоий солиқни қўллаш тартибини МТБ шартларида аниқлаштириш давлат ва инвестор манфаатларини мувофиқлаштириш воситаси сифатида қаралиши мумкин.

Янги МТБларда 12 фоизлик механизмни шартномавий белгилаш

Мақолада янги МТБларда Ўзбекистон фуқаролари меҳнатига нисбатан ижтимоий солиқни 12 фоиз ставкада қўллашнинг аниқ шартномавий механизмини белгилаш таклиф этилади.

Бунда мазкур таклиф амалдаги солиқ қонунчилиги билан уйғунлаштирилиши лозим. МТБ солиқ қонунчилигининг ўрнини босмаслиги, балки битим доирасида солиқ мажбуриятининг қўлланилишини аниқ ва прогноз қилинадиган тарзда белгилаши керак.

Шартномада қуйидаги масалалар аниқ кўрсатилиши мақсадга мувофиқ (2-жадвал).

2-жадвал

Маҳсулот тақсимотига оид битимлар доирасида ижтимоий солиқни тартибга солишнинг асосий элементлари

№	Асосий масала	Шартномада аниқ белгиланиши лозим бўлган жиҳатлар	Амалий аҳамияти
1.	Ижтимоий солиқ тўловчиси	Ижтимоий солиқни ҳисоблаш ва тўлаш учун масъул бўлган шахс (оператор ёки битим иштирокчиси) аниқ белгиланиши	Солиқ мажбурияти бўйича ноаниқликларни бартараф этиш
2.	Солиқ солинадиган меҳнат муносабатлари	Қайси турдаги меҳнат муносабатлари ва ходимларга тўланадиган тўловлар солиққа тортилиши аниқ кўрсатилиши	Солиқ базасини аниқ белгилаш
3.	Ўзбекистон фуқароларига нисбатан қўлланиладиган ставка	Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун қўлланиладиган ижтимоий солиқ ставкаси белгиланиши	Солиқ режимини бир хил қўллашни таъминлаш
4.	Солиқ ҳисобини юритиш тартиби	Солиқни ҳисоблаш, ҳужжатлаштириш ва бухгалтерия ҳамда солиқ ҳисобида акс эттириш тартиби белгиланиши	Солиқ ҳисоб-китобларининг шаффофлигини ошириш
5.	Ҳисобот бериш тартиби	Солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатлари, шакли ва тартиби белгиланиши	Маъмурий ва солиқ таваккалчиликларини камайтириш
6.	МТБ харажатларини қоплаш нуқтаи назаридан тўловнинг мақоми	Ижтимоий солиқ МТБ доирасида қопланадиган харажатлар таркибига киритилиши ёки киритилмаслиги аниқ белгиланиши	Томонларнинг иқтисодий юки ва маҳсулотни тақсимлаш тартибига таъсир қилади

Манба: муаллиф ишланмаси.

Бундай аниқлик инвестор учун харажатларни олдиндан режалаштириш имконини оширади, давлат учун эса ижтимоий тушумларнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

МТБларда ижтимоий солиқни қўллаш бўйича таклиф амалиётда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, Устюрт минтақасида жойлашган Теренгқудуқ, Бойтерак, Бирқори, Харой, Қулбой ва Қорақалпоқ инвестиция блокларида геология-қидирув ишларини амалга

ошириш ҳамда аниқланган углеводород конларини ўзлаштириш бўйича МТБ доирасида ижтимоий солиқни 12 фоиз ставкада қўллаш механизми назарда тутилган[8].

Ижтимоий солиқ ва пенсия таъминоти

МТБ лойиҳаларида ишловчи маҳаллий кадрларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш давлатнинг узоқ муддатли ижтимоий сиёсати билан бевосита боғлиқ. Меҳнат муносабатларида иштирок этувчи фуқаролар учун ижтимоий тўловларнинг амалга оширилиши уларнинг келгусидаги ижтимоий кафолатлари, жумладан, пенсия таъминоти билан узвий боғлиқдир.

Шу сабабли МТБларда ижтимоий солиқнинг қўлланилиши давлат манфаати нуқтаи назаридан ижтимоий ҳимоя механизмларини таъминлашга хизмат қилса, инвестор учун ушбу мажбуриятларнинг аниқ шартномавий ва молиявий тартибда белгиланиши муҳим аҳамиятга эга (1-расм).

1-расм. МТБ лойиҳаларида ижтимоий солиқ, пенсия таъминоти ва давлат ҳамда инвестор манфаатларининг ўзаро боғлиқлиги

Манба: муаллиф ишланмаси.

МТБ лойиҳаларида ижтимоий солиқнинг қўлланилиши бир қатор ижтимоий ва иқтисодий самараларни юзага келтиради:

– ижтимоий ҳимоя қамровини кенгайтиради;

– пенсия тизимига тушумларни таъминлашга хизмат қилади;

– МТБ лойиҳаларида меҳнат қилаётган маҳаллий ходимларнинг ижтимоий тенглигини кучайтиради;

– инвестор учун ижтимоий мажбуриятларнинг аниқлигини таъминлайди;

– давлат ва инвестор манфаатларини мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, ижтимоий солиқни МТБ лойиҳаларида давлат ва инвестор манфаатларини уйғунлаштирувчи, шунингдек, маҳаллий меҳнат ресурсларининг ижтимоий ҳимоясини таъминловчи муҳим механизм сифатида баҳолаш мумкин.

Ихтиёрий тиббий суғурта харажатларини компенсация қилишда давлат ва инвестор манфаатлари

МТБ доирасида ишловчи ходимларнинг ижтимоий ҳимояси фақат ижтимоий солиқ билан чекланмайди. Нефть-газ саноатида меҳнат шароитларининг ўзига хос хусусиятлари ходимларни тиббий ҳимоя қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

Шу муносабат билан ходимларни ихтиёрий тиббий суғурта қилиш харажатлари МТБ лойиҳаларида ижтимоий йўналишдаги харажатларнинг алоҳида тури сифатида юзага келиши мумкин.

Бироқ ушбу харажатларни компенсация қилинадиган харажатлар таркибига киритиш масаласи давлат ва инвестор манфаатларининг молиявий мувозанати нуқтаи назаридан эҳтиёткорлик билан ҳал қилиниши лозим.

Бир томондан, тиббий суғурта ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиради ва меҳнат шароитларини яхшилайди.

Иккинчи томондан, агар мазкур харажат МТБ шартларида компенсация қилинадиган харажат сифатида назарда тутилмаган бўлса, уни компенсация маҳсулоти ҳисобига қоплаш давлатнинг фойда маҳсулотидаги улушига билвосита таъсир қилиши мумкин.

Шу сабабли ихтиёрий тиббий суғурта харажатларини баҳолашда қуйидаги учта мезондан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (3-жадвал):

3-жадвал

Ихтиёрий тиббий суғурта харажатларини компенсация қилиш мезонлари*

Мезон	Асосий савол
Ижтимоий зарурлик	Харажат ходимларнинг ижтимоий ҳимояси учун зарурми?
Иқтисодий асосланганлик	Харажат миқдори лойиҳа шароитига мосми?
Шартномавий асос	Харажатни МТБ ҳисобидан компенсация қилиш ҳуқуқи мавжудми?

**Манба: муаллиф ишланмаси.*

Шундай қилиб, ижтимоий аҳамиятнинг ўзи харажатни автоматик равишда компенсация қилинадиган харажатга айлантирмаслиги керак.

Мазкур ёндашув давлат манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, инвестор томонидан ходимларга муносиб ижтимоий шароитлар яратилишини ҳам инкор этмайди.

МТБ доирасида ходимларнинг ижтимоий ҳимоясига оид харажатларни олдиндан аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ. Шу муносабат билан МТБга илова қилинадиган кадрлар сиёсати ёки тегишли регламентда:

– мажбурий ижтимоий харажатлар;

– компенсация қилинадиган ижтимоий харажатлар;

– компенсация қилинмайдиган ижтимоий харажатлар алоҳида кўрсатилиши мумкин.

Ихтиёрий тиббий суғурта харажатлари бўйича эса компенсация қилиш ҳуқуқи олдиндан аниқ белгиланиши лозим.

Масалан, агар тиббий суғурта лойиҳада меҳнат қилаётган ходимларнинг иш шароити ва лойиҳанинг ҳудудий хусусиятларидан келиб чиқиб зарур деб топилса, унинг компенсация қилиш шартлари МТБда аниқ кўрсатилиши мумкин.

Бундай ёндашув давлат ва инвестор ўртасида харажатларни қоплаш бўйича кейинчалик низолар пайдо бўлишининг олдини олишга хизмат қилади.

Маҳаллий кадрларни тайёрлаш ва инсон капиталига инвестицияларни ҳимоя

қилиш

Нефть-газ лойиҳаларининг ижтимоий самарадорлигини баҳолашда маҳаллий кадрлардан фойдаланиш муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

МТБ асосидаги лойиҳаларда юқори малакали муҳандислар, геологлар, технологлар, бурғилаш мутахассислари, ишлаб чиқариш ва хавфсизлик бўйича мутахассисларга эҳтиёж юқори бўлади.

Шу сабабли маҳаллий кадрларни тайёрлаш нафақат ижтимоий вазифа, балки лойиҳанинг узоқ муддатли иқтисодий барқарорлигига хизмат қилувчи омил ҳамдир.

Маҳаллий кадрларни тайёрлаш орқали:

– маҳаллий меҳнат ресурсларининг малакаси ошади;

– хорижий мутахассисларга боғлиқлик камаяди;

– янги иш ўринлари учун малака базаси шаклланади;

– технологиялар ва ишлаб чиқариш тажрибаси маҳаллий кадрларга ўтади;

– лойиҳанинг маҳаллий иқтисодиётга таъсири кучаяди.

Шу нуқтаи назардан МТБда кадрлар тайёрлаш харажатларини фақат жорий харажат сифатида эмас, балки инсон капиталига инвестиция сифатида ҳам баҳолаш мумкин.

Бироқ оператор томонидан ходимларни тайёрлаш учун катта миқдорда маблағ сарфланган ҳолларда инвесторнинг мазкур инвестициясини ҳимоя қилиш масаласи юзага келади.

Айниқса, халқаро сертификатлар, махсус техник дастурлар ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш харажатлари сезиларли бўлиши мумкин.

Бунда муайян муаммо юзага келади: оператор маблағлари ҳисобидан тайёрланган ходим таълим жараёни тугаганидан кейин ёки бир неча ой ишлагандан сўнг ишдан кетиши мумкин.

Натижада операторнинг инсон капиталига киритган инвестицияси тўлиқ қайтмаслиги эҳтимоли пайдо бўлади.

Шунингдек, Оператор (Инвестор)лар томонидан ходимларнинг олий таълим муассасаларида ўқиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида ўқишни тамомлаган ходимларнинг камида 5 йил давомида меҳнат фаолиятини давом эттириши, шундан камида 3 йилини бевосита ишлаб чиқариш обектларида, жумладан, газни қайта ишлаш заводи ва конларда ишлаши назарда тутилган таклиф амалиётга жорий этиш таклиф этилади.

Бироқ мазкур механизм ходимнинг меҳнат эркинлигини чеклаш воситасига айланмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 104-моддасига мувофиқ, ходим иш берувчининг маблағлари ҳисобидан ўқитилган тақдирда, унинг ўқиш якунланганидан сўнг меҳнат шартномасида белгиланган муддатдан кам бўлмаган давр мобайнида ишлаб бериш мажбурияти меҳнат шартномасида назарда тутилиши лозим.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 348-моддасида ходим иш берувчи ҳисобидан ўқитилганидан кейин келишилган муддатни узрли сабабларсиз ишлаб бермаган тақдирда, ўқитиш харажатларининг амалда ишлаб берилмаган вақтга мутаносиб қисмини қоплаш механизми назарда тутилган[3].

Шунинг учун ходим белгиланган муддатдан олдин ишдан кетган тақдирда таълим харажатларини тўлиқ эмас, балки амалда ишланган муддатга мутаносиб равишда қоплаш механизмини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Бундай механизмни қуйидаги формула асосида ифодалаш мумкин:

$$C_{komp} = TX \cdot \frac{(MM - IM)}{MM} \cdot \left(1 + \frac{i_{MB} \cdot IM}{12}\right) \qquad (2)$$

бунда:

C_{komp} – меҳнат шартномаси муддатидан олдин тугатилганда компенсация суммаси;

TX – МТБ операторининг ходимни ўқитишга қилган жами харажатлари;

MM – ўқитиш тугаганидан кейинги мажбурий меҳнат фаолияти муддати (ойларда);

IM – амалда ишланган муддат (ойларда);

i_{MB} – пул маблағларининг вақт қийматини ҳисобга олиш учун қўлланиладиган, бирлик улушларида ифодаланган Марказий банкнинг асосий ставкаси.

Шартлар: $0 \leq IM \leq MM$ va $C_{komp} \geq 0$.

Таклиф етилаётган ҳисоблаш ёндашуви ўқитиш харажатларини ходимнинг ишлаб берилмаган муддатига мутаносиб равишда тақсимлашга асосланади. Ходим келишилган муддатни тўлиқ ишлаб берган тақдирда компенсация суммаси нолга тенг бўлади. Меҳнат муносабатлари муддатидан олдин тегишли ҳуқуқий асосларда тугатилганда еса компенсация суммаси ишлаб берилмаган муддатга мутаносиб равишда аниқланади

Шу билан бирга, юқори қийматли ўқув дастурлари ва касбий малакани ошириш бўйича ўқитиш харажатлари миқдорига қараб кейинги меҳнат фаолияти муддатини табақалаштириш назарда тутилади. Жумладан, оператор томонидан молиялаштириладиган ўқув дастурлари учун қуйидаги ёндашув таклиф этилади (4-жадвал).

4-жадвал

Юқори қийматли ўқув дастурлари ва касбий малакани ошириш бўйича ўқитиш харажатлари миқдорига қараб ходимнинг кейинги меҳнат фаолияти муддатини табақалаштиришнинг таклиф етилаётган механизми*

Ўқитиш харажатлари миқдори	Ўқишдан кейинги келишилган меҳнат фаолияти муддати
1 000 АҚШ долларидан 2 000 АҚШ долларигача (2 000 кирмайди)	камида 1 йил
2 000–3 000 АҚШ доллари (3 000 ҳам киради)	камида 2 йил
3 000 АҚШ долларидан юқори	камида 3 йил

*Муаллиф томонидан тузилган.

Изоҳ: жадвалдаги муддатлар муаллиф томонидан қиймати 1 000 АҚШ долларидан бошланадиган ўқув дастурлари учун таклиф етилган шартномавий параметрлар ҳисобланади. Уларни қўллашда амалдаги меҳнат қонунчилиги талаблари ҳисобга олинади.

Юқорида қайд этилган ёндашувларнинг иқтисодий моҳияти Операторнинг инсон капиталига йўналтирган инвестициялари билан ходимнинг кейинги меҳнат фаолияти давомийлиги ўртасида мутаносибликни таъминлашдан иборат.

Бу ёндашувнинг асосий афзаллиги шундаки, ходим қанча кўп муддат ишлаган бўлса, унинг қайтариши лозим бўлган таълим харажатлари шунча камаяди.

Демак, мазкур механизм бир вақтнинг ўзида икки манфаатни мувофиқлаштиришга хизмат қилади: бир томондан, операторнинг инсон капиталига киритган инвестицияси ҳимоя қилинади, иккинчи томондан, ходимнинг меҳнат эркинлиги сақланади.

МТБларда давлат ва инвестор манфаатларини мувофиқлаштириш бўйича амалий таклифлар

Тадқиқот натижалари асосида МТБ асосидаги нефть-газ лойиҳаларида давлат ва инвестор манфаатларини мувофиқлаштиришнинг ижтимоий-молиявий механизмларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифлар илгари сурилади.

Биринчидан, янги МТБ шартномаларида Ўзбекистон фуқаролари меҳнатига нисбатан ижтимоий солиқни 12 фоиз ставкада қўллаш механизмини шартномавий жиҳатдан аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, ижтимоий солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби, солиқ базаси, ҳисобот бериш механизми ҳамда унинг МТБ харажатларини қоплаш тизимидаги мақоми аниқлаштирилиши лозим.

Учинчидан, МТБ лойиҳаларида ихтиёрий тиббий суғурта харажатларининг компенсация қилинадиган харажатлар таркибидаги мақомини шартнома ёки унга илова қилинадиган тегишли ҳужжатда аниқ белгилаш лозим.

Тўртинчидан, ихтиёрий тиббий суғурта харажатларини компенсация қилишда уларнинг ижтимоий аҳамияти билан бирга иқтисодий зарурлиги ва шартномавий асоси ҳам баҳоланиши керак.

Бешинчидан, МТБ операторлари томонидан маҳаллий кадрларни мақсадли тайёрлаш дастурларини жорий этиш ва бундай дастурларнинг ижтимоий натижаларини йиллик ҳисоботларда акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Олтинчидан, оператор маблағлари ҳисобидан махсус тайёрланган ходимлар учун 3-5 йиллик ишлаш мажбуриятини жорий этиш мумкин.

Еттинчидан, ходим белгиланган муддатдан олдин ишдан кетган тақдирда таълим харажатларини амалда ишланган муддатга мутаносиб равишда қоплаш механизмини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ушбу таклифларнинг умумий йўналиши давлат ва инвестор манфаатларини бир томоннинг манфаатини иккинчи томон ҳисобидан таъминлаш орқали эмас, балки ижтимоий натижа ва молиявий манфаат ўртасида аниқ мувозанатни таъминлаш орқали мувофиқлаштиришдан иборат.

Хулоса

Маҳсулот тақсимотига оид битимлар асосида амалга ошириладиган нефть-газ лойиҳаларида давлат ва инвестор манфаатларини мувофиқлаштириш нафақат инвестиция ва фискал механизмлар, балки ижтимоий йўналишдаги молиявий муносабатларни ҳам қамраб олади.

МТБнинг асосий хусусияти инвесторнинг геология-қидирув ва қазиб олиш ишларини ўз маблағлари ҳисобига ва таваккал қилиб амалга оширишидан иборат бўлгани сабабли, ижтимоий харажатлар ҳам лойиҳанинг умумий молиявий механизми билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилиши лозим.

Тадқиқот натижаларига кўра, МТБларда давлат ва инвестор манфаатларини мувофиқлаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири ижтимоий солиқни қўллаш механизмини аниқ белгилашдан иборат. Янги МТБ шартномаларида Ўзбекистон фуқаролари меҳнатига нисбатан ижтимоий солиқни 12 фоиз ставкада қўллашнинг аниқ шартномавий механизмини белгилаш ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш билан бир қаторда инвестор учун молиявий мажбуриятларнинг прогноз қилинишини оширишга хизмат қилиши мумкин.

Ихтиёрий тиббий суғурта харажатлари эса давлат ва инвестор манфаатларининг бевосита туташув нуқталаридан бири ҳисобланади. Ходимларни тиббий суғурта билан таъминлаш ижтимоий жиҳатдан ижобий бўлса-да, бундай харажатларни автоматик равишда компенсация қилинадиган харажатларга киритиш мақсадга мувофиқ эмас. Харажатнинг ижтимоий зарурлиги билан бирга унинг иқтисодий асосланганлиги ва МТБ шартларида компенсация қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги ҳам баҳоланиши лозим.

Маҳаллий кадрларни тайёрлаш МТБнинг узоқ муддатли ижтимоий самарадорлигини таъминловчи муҳим механизмдир. Оператор маблағлари ҳисобидан тайёрланган маҳаллий мутахассислар нафақат муайян лойиҳа учун меҳнат ресурси, балки мамлакат инсон капитали ривожининг муҳим элементи ҳисобланади.

Шу муносабат билан 3–5 йиллик мақсадли тайёрлаш дастурларини жорий этиш, ходим белгиланган муддатдан олдин ишдан кетган тақдирда эса таълим харажатларини амалда ишланган муддатга мутаносиб равишда қоплаш механизмини қўллаш таклиф

этилди. Бундай ёндашув операторнинг инсон капиталига киритган инвестициясини ҳимоя қилиш ва ходимнинг меҳнат эркинлиги ўртасида мутаносибликни таъминлаш имконини беради.

Умуман олганда, МТБ асосидаги нефть-газ лойиҳаларида давлат ва инвестор манфаатларини мувофиқлаштиришнинг ижтимоий-молиявий модели ижтимоий солиқ, ходимларни тиббий ҳимоя қилиш, маҳаллий кадрларни тайёрлаш ҳамда инсон капиталига инвестицияларни ҳимоя қилиш механизмларининг ўзаро уйғунлашувига асосланиши лозим.

Бундай ёндашув МТБ лойиҳаларида давлатнинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш билан бир қаторда инвесторнинг молиявий манфаатлари ва инвестициялари ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрдаги 312-II-сон “Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида”ги Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ–599-сон Қонуни билан тасдиқланган Солиқ кодекси (амалдаги таҳрир).

3. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 октябрдаги ЎРҚ–798-сон Қонуни билан тасдиқланган Меҳнат кодекси

4. United Nations. United Nations Handbook on Selected Issues for Taxation of the Extractive Industries by Developing Countries. – New York: United Nations, 2019.

5. Johnston D. International Petroleum Fiscal Systems and Production Sharing Contracts. – Tulsa: PennWell Books, 1994. – 325 p.

6. Кашкин С.Ю. Международное инвестиционное право. – М.: Норма, 2018. – 304 с

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июндаги “Маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 503-сон қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги Устюрт минтақасидаги маҳсулот тақсимотига оид битимларга доир қарори.

9. Мансуров О.З. Правовая природа соглашения о разделе продукции в Республике Узбекистан // Яшил иқтисодиёт ва тараққиёт. – 2025. – №10.

10. Мансуров О.З. Нефть-газ лойиҳаларида давлат ва инвестор манфаатларини мувофиқлаштиришнинг фискаль-божхона механизмлари // Муҳандислик ва иқтисодиёт. – 2026. – №4.

11. Mansurov O.Z. Legal and Economic Mechanisms for Balancing State and Investor Interests in Oil and Gas Projects // Modern American Journal of Business, Economics and Entrepreneurship. – 2026. – Vol. 2, Iss. 4.